



## ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ САМИМИЙ МУЛОҚОТИ ХОРАЗМДА ДАВОМ ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон 2-3 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Тошкентда ўтган музокараларда икки дўст мамлакат халқлари манфаатига хизмат қиладиган кўплаб келишувларга эришилди. Ташрифнинг иккинчи куни олий мартабали меҳмон Хоразм вилоятига келди. Хоразм вилоятида ушбу ташрифга алоҳида

тайёргарлик кўрилди. Кўчалар икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган, ранг-баранг панноларга халқларимиз дўстлиги ва қардошлигини тараннум этувчи сўзлар ёзилган. Давлатимиз раҳбари Урганч халқро

аэропортида Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмонни кутиб олди. Миллий қўшиқ ва рақслар халқимизга хос меҳмондўстлик, очиққўнғиллик ифодаси бўлди. Шундан сўнг Тожикистон раҳбари Эмомали Раҳмон Президент Шавкат Мирзиёев ҳамроҳ-

лигида Урганч шаҳридаги "UzXCMG" қўшма корхонасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигидаги ушбу корхона 2014 йилда ташкил этилган. Лойиҳанинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалиги техникаларини йирик бўғинли йиғиш, иккинчисидан саноат усулида йиғиш, учинчисидан эса ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда бу ерда 13 хил экскаватор, 10 турдаги махсус техника ишлаб чиқарилмоқда. Сув хўжалиги, қурилиш ва йўл таъмирлаш соҳалари учун ўта зарур бўлган бундай техникалар илгари валюта эвазига хориждан келтирилар эди. Эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервисда кўп қийинчиликлар бор эди.

Қўшма корхонанинг ишга туширилиши бу заруратни ҳал этиш билан бирга вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, юртимиздаги ирригация ва мелиорация тадбирларини ўз вақтида бажариш имконини бермоқда.

Шу кунга қадар корхонада халқро стандартлар асосида 2 мингга яқин махсус техника ишлаб чиқарилган. Маҳаллийлаштириш даражаси 50 фоиздан ошган. Энди маҳсулотларни чет элга, жумладан, қўшни мамлакатларга экспорт қилиш режалаштирилган. Экскаватор ва махсус техникалар буюртма асосида ишлаб чиқарилиши ҳам мумкин.

Тожикистонлик меҳмонлар заводдаги иш жараёнини, қишлоқ хўжалиги машиналари ва махсус техникаларни кўздан кечирди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Эмомали Раҳмон Хива гилам комбинатида бўлди.

Умумий қиймати қарийб 22 миллион доллар бўлган ушбу корхона Самарқанддаги "Sam-Inter-Gilam" компанияси томонидан 2020 йилда ташкил этилган, ўтган йили лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга туширилган. Комбинатта Германия, Бельгия, Австрия, Швейцария, Италия, Франция ва Туркиядан ускуналар келтириб ўрнатилган. 420 та иш ўрни яратилган.

Бу ерда гилам, полипропилен ип ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар АҚШ,

Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистонга экспорт қилинмоқда.

Бу йил учинчи босқич — акрил толасидан калава тайёрлаш лойиҳаси амалга оширилди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати йилига 2,2 миллион квадрат метрга етди. Маҳсулотнинг 45 фоизи чет элга сотилиши, йиллик экспорт 7 миллион доллардан ошishi кутилмоқда.

Президентлар корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнини ва шоу-румни кўздан кечирди.

Шу ерда Ўзбекистон саноат маҳсулотлари ҳам намойиш этилди. Турдош тармоқлар мутасаддиларига тажриба алмашиш, савдони ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ичан қалъадаги тарихий обидаларни зиёрат қилди.

Маълумки, Ичан қалъа фақат ёдгорлик эмас, балки "тирик" шаҳардир. Бу ерда 120 дан зиёд меъморий обидалар бор ва ҳозиргача қадимий уйларда аҳоли яшайди. Унинг "очиқ осмон остидаги музей" деб аталиши шундан.

Хива шаҳри 1990 йил 12 декабрда ЮНЕСКО Маданий мерос рўйхатига киритилган. 1997 йилда шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейи нишонланган. 2020 йилда Туркой халқро ташкилоти томонидан Турк дунёсининг маданий пойтахти, деб эълон қилинган.

Давлат раҳбарлари Ота дарвозадан кириб, Кўк минора, Кўхна арк саройи, Тошхавлини томоша қилди. Пахлавон Маҳмуд мақбараси ва Жума масжидида Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Хоразмнинг тарихи, илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар, бой маданияти ва санъати меҳмонларда ёрқин таассурот қолдирди.

Шу билан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунига етди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Аҳмаджон ШОКИРОВ,**  
**ЎЗА мухбирлари**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХҲТНИНГ АМАЛДАГИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июнь куни тонгда, Урганч шаҳрига жўнаб кетишдан аввал Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Польша ташқи ишлар вазири Збигнев Рауни қабул қилди.



Ўзбекистон ва ЕХҲТ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш, Ўзбекистон — Польша муносабатларини кенгайтириш масалалари ҳамда долзарб халқро кун тартиби кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда ЕХҲТ билан шерикликда сифат жиҳатидан янги даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди. Ташкилот фаолиятининг учала йўналишида ҳам очиқ ва самарали мулоқот йўлга қўйилгани, юқори даражада фаол мулоқот ва алмашинувлар амалга оширилаётгани, қабул қилинган "йўл харитаси"га мувофиқ қўшма тадбирлар муваффақиятли ўтказилаётгани бунга далолат бермоқда.

ЕХҲТ раиси Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотлар стратегияси бераётган натижаларни ҳамда мамлакатимизнинг прагматик ташқи сиёсати, энг аввало, Марказий Осиёда дўстлик, яхши қўшничилик ва ишонч муносабатларини мустаҳкамлаш борасида саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

Давлатимиз ва ушбу нуфузли халқро тузилманинг барча институтилари ўртасидаги амалий ҳамкорликни кучайтириш, демократик янгиланишларни, шу жумладан, конституциявий ислохотни экспертлик жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, ташкилотнинг Парламент ассамблеяси доирасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Иқтисодиёт ва экология йўналишлари ҳақида сўз юритилар экан, "яшил" тараққиёт, рақамлаштириш, иш ўринларини яратиш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувват-

лаш орқали камбағалликни қисқартириш, табиати муҳофаза қилиш бўйича, шу жумладан, Оролбўйи минтақасида муҳим тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқро сиёсат, жумладан, Европа иттифоқи билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш, Афғонистонда тинчликни таъминлаш ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон етакчиси Ўзбекистон — Польша амалий ҳамкорлигини кенгайтириш истиқболларига алоҳида тўхталиди.

Хусусан, ўтган йили икки томонлама товар айирбошлаш учдан бир қисмга, жорий йил бошидан эса қарийб 50 фоизга кўпайди. Польшанинг етакчи компаниялари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, кимё, электротехника ва бошқа тармоқларда қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Муҳим гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда, жумладан, юртимизда Варшава менежмент университетининг филиали ўз ишини бошлади.

Учрашувда ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш, маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Жаноб Збигнев Раунинг Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича қўшма "йўл харитаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЁВОН ГЭСИ: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ НОЁБ ЛОЙИҲАСИ 600 МИНГДАН Ортиқ хонадонни чароғон қилади

Аввал хабар берилганидек, 2 июнь куни Тожикистон Президентининг ташрифи доирасида Зарафшон дарёсида Ёвон гидроэлектр станцияси қурилишини бошлаш маросими бўлиб ўтди. Икки давлат етакчилари рамзий тугмани босиб, қурилишга старт берди.

Ёвон гидроэлектр станцияси энергетика соҳасида икки томонлама ҳамкорликда амалга оширилаётган дастлабки йирик лойиҳа ҳисобланади. 140 мегаватт қувватга эга

замонавий станция мамлакатларимиз энергетика хавфсизлиги, сув ва қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

▶ Давоми 2-бетда

## Электрон ҳукумат: ФАРОВОН ЖАМИЯТ, ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Замонавий дунё тажрибасидан маълумки, ривожланишнинг юксак чўққисига интилаётган хар бир давлат, аввало, жамиятнинг барча соҳаларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш зарур. Бу борада илм-фан ва илгор технологиялар ютуқларини барча соҳаларга татбиқ этиш, тармоқларни рақамлаштириш, электрон ҳукумат тизимини жорий этиш муҳим вазифади.

Сир эмас, бугунги кунда бу йўналишда дунёнинг қатор давлатлари салмоқли ютуқларга эришмоқда. Буни "ақли шаҳар", "келажак шаҳри", "XXI аср мўъжизаси" деган таърифга сазовор бўлган мамлакатлар мисолида яққол кўриб турибмиз.

▶ Давоми 3-бетда

## ЕХХТ ВА ПОЛЬША БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов мамлакатимизга ташриф билан келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Польша ташқи ишлар вазири Збигнев Рау бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва ЕХХТ ўртасидаги шерикликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи, шунингдек, Ўзбекистон — Польша муносабатини янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ташкилот фаолиятининг барча уч устувор йўналиши бўйича ЕХХТ институтлари билан ҳамкорлик жадал ривожланаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Мулоқот чоғида илғор технология ва инновацияни жорий этиш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш ва Орол денгизи қуриши оқибатини юмшатиш, шунингдек, демократик институтлар фаолиятини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва турли соҳаларда қўшма лойиҳалар

амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

ЕХХТ вакиллари ўзаро манфаатли аниқ ғоялар ишлаб чиқиш орқали биргаликдаги саъй-ҳаракатни кучайтиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданият-гуманитар ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Сўнгги йилларда икки томонлама муносабат барча соҳаларда жадал ривожланиб, кенгайиб бораётгани таъкидланди.

Польша ишбилармонларининг мавжуд салоҳиятидан унумли фойда-

ланишга қизиқиши ортиб бораётгани эътироф этилди. Шу нуқтаи назардан етакчи компаниялар делегацияларининг юртимизга ташрифини ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди.

Сўхбат давомида минтақавий ва глобал кун тартибига оид долзарб масалалар ҳам қўриб чиқилди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган маданият, фан, олий таълим, маърифат ва спорт соҳаларидаги Ҳукуматлараро ижро дастури имзоланди. Ҳужжатда икки давлатнинг тегишли вазирлик, идоралари ҳамкорлигининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Музокара якунида Ўзбекистон ТИВ раҳбари ОАВ вакиллари билан мулоқот ўтказди.

ЎЗА

## БАТСУМБЕР МУНХЖИН: КЕЙИНГИ 30 ЙИЛДА ҲАМКОРЛИГИМИЗ МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНАДИ

Мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Мўғулистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Батсумбер Мунхжин ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган учрашувдан сўнг журналистларга интервью берди.

— Аввало, шундай гўзал юрда эканлигимдан, делегациямизга нисбатан ўзига хос меҳмондўстлик кўрсатилаётганидан беҳад мамнулимизни изҳор қилмоқчи эдим, — дейди Мунхжин жаноблари. — Ташрифдан кўзланган мақсадимиз ўзаро муносабатни, асосан, иқтисодий алоқалар ва савдо-сотиқни ривожлантиришдир. Қувонарлики, бунинг учун ҳар икки томонда имконият етарли. Тошкентда Ўзбекистон ва Мўғулистон ишбилармон доиралари вакилларининг

кең доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Савдо-иқтисодий алоқачи мамлакатингиз, айниқса, мева-сабзавот экспорти борасида улкан салоҳиятга эга. Биз эса, асосан, гўшт етказиб берувчи давлатимиз ва Мўғулистондан Ўзбекистонга гўшт маҳсулотлари олиб киришга маҳаллий корхоналар томонидан жиддий қизиқиш билдирилмоқда.

Давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилганига 30 йил бўлди. Ишончим комилки, кейинги

30 йил давомида ҳамкорлигимиз мисли кўрилмаган даражада кенгайди.

Ўзбекистондаги ислохотларни қўриб, тўғриси, ҳайратга тушдим. Хусусан, иқтисодий соҳада рўй бераётган ижобий ўзгаришлар давлат раҳбари ва ҳукумат амалга ошираётган улкан ислохотлардан дарак беради.

Энди Мўғулистон ва Ўзбекистон фуқаролари ҳар икки томонга визасиз кириши мумкин. Бундай оқилна қарор, айниқса, давлатларимиз бизнес ва туризм соҳалари ривожига бекиёс хисса қўшади.

ЎЗА мухбири  
Файрат ХОННАЗАРОВ  
ёзиб олди.

## ТОЖИКИСТОН ЕТАКЧИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ИККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНИБ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОРТИБ БОРАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТДИР

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи хорижий мамлакатларнинг сиёсий, эксперт ва илмий-академик доиралари вакиллари ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Ким Санг Чхоль, Ханкук чет тиллар университетининг Марказий Осиё тадқиқотлари институти профессори, фалсафа фанлари доктори (Жанубий Корея):



— Жанубий корейлик мутахассислар Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари самарасида сўнгги йилларда янги суръат олган Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнини катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда. Қўшни давлатлар билан дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган ушбу сиёсат бугунги кунда Марказий Осиё учун долзарб ҳисобланади.

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик йилномасида муҳим воқеа бўлди. Ташриф натижалари Ўзбекистон — Тожикистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш учун ниҳоятда самарали ва муҳим аҳамият касб этишига аминман.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп асрлик тарихий ва маънавий алоқаларга асосланган муносабатлар сўнгги йилларда икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишончнинг юқорилиги билан ажралиб турибди.

Шуни ҳам таъкидлашни истардимки, Абдий дўстликни мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик тўғрисидаги декларациянинг имзоланиши Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳамкорликнинг янги муҳитини шакллантиришга хизमत қилади.

Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан фаол илгари сурилаётган янги Ўзбекистоннинг янги минтақавий йўналишини алоҳида таъкидлаш зарур. Ўзбекистон

раҳбарининг қўшнилар билан алоқаларни фаоллаштириш йўлидаги пухта ўйланган ва, энг муҳими, қатъий қадамлари Марказий Осиё давлатларининг янада яқинлашишига мустаҳкам замин яратмоқда.

Хесус Хил, Мадрид автоном университети профессори, Испания шарқшунослари уюмчаси бош котиб:



— Тожикистон раҳбарининг расмий ташрифи икки қўшни давлатнинг кўп қиррали йўналишларда ривожланишига қўшимча туртки беради. Шу билан бирга, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилда Душанбега ташрифи икки томонлама ва яхши қўшничилик муносабатларининг муҳим масалаларини ҳал қилиш учун мустаҳкам пойдевор яратганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Кейин Ўзбекистон раҳбари узоқ вақт давомида икки томонлама ва минтақавий даражада мавжуд бўлган долзарб масалаларнинг аксариятини жуда қисқа муддатда ҳал қилишга муваффақ бўлди.

Президентлар ўртасида муҳокама қилинган қатор масалалар, шунингдек, давлат раҳбарлари томонидан қўшма декларациянинг қабул қилиниши, мамлакатлараро кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши икки томонлама муносабатларнинг стратегик моҳиятини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги учрашувлари ўта ишчан ва ишончли шерикликни ифодалаши алоҳида эътиборга моликдир.

Зулқифли Баҳаруддин, Сингапурнинг Ўзбекистондаги Фавқулдов ва мухтор элчиси:



— Сўнгги 5-6 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиёда сиёсий, савдо-иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларида яқиндан ҳамкорлик жараёнлари фаол ривож топмоқда.

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг 2-3 июнь кунлари Ўзбекистонга наватдаги расмий ташрифи Тошкентнинг қўшни давлатларга нисбатан очиклик сиёсатининг яққол тасдиғидир. Энергетика, қўшма хўжалиги, савдо-иқтисодий ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларини ўз ичига олган мазкур ташриф кун тартибига икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз аксини топди. Бу, умуман, Марказий Осиё давлатлари ўртасида интеграция жараёнини янада жадаллаштиришга хизमत қилишига шубҳа йўқ.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари томонидан икки томонлама ҳамкорликнинг кенг кўламли масалаларини қамраб олган тарихий аҳамиятга эга Абдий дўстликни мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик тўғрисидаги декларациянинг имзоланиши жуда муҳим аҳамиятга эга.

Айдин Аскарков, Латвиянинг Марказий Осиё ва Яқин Шарқ сиёсий тадқиқотлари халқаро институти президенти:



— Ригада Тожикистон етакчиси Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга ташрифи расмий Тошкентнинг Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини амалга оширишдаги саъй-ҳаракатларининг ифодаси сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ўртасидаги конструктив ҳамкорлик икки мамлакат ва халқларнинг узоқ муддатли манфаатларига жавоб беради, шунингдек, у улкан Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилли ҳисобланади.

Мамлакатлараро муносабатлар фаоллашган ҳақида фикр юритар эканмиз, 2016 йилда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан сўнг Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни ривожлантиришнинг давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши сифатида белгиланиши алоҳида қайд этиш жоиздир.

Бу тамойилни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистоннинг сармоявий ва иқтисодий жозибдорлигини ошириш орқали халқ фаровонлигини таъминлаш бўйича иқтисодий устуворлиқларини амалга ошириш нуқтаи назаридан баҳолаш керак. Тошкентнинг минтақавий иттифоқлари янада фаоллашишига ишончим комил.

Тожикистон Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи давлатлараро ҳамкорлик салоҳиятини мустаҳкамлашдаги муҳим қадам бўлиб, аънанавий дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида барқарор ривожланишга хизमत қилади.

Илгар Веллизаве, “Жанубий Кавказ” сиёсатшунослар клуби раҳбари (Озарбайжон):



— Тожикистон етакчисининг Ўзбекистонга ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамлашиб, Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсатдаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Афсуски, бугунги кунда халқаро сиёсатда жиддий беқарорлик мавжуд. Қолаверса, қўшни Афғонистондаги вазият ҳам муайян ташвиш ва хавотирларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги барқарор мулоқот, минтақавий давлатларнинг миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда барқарор савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга интилиши минтақавий вазиятни олдидан башорат қилиш ва унинг изчил ривожланишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита раҳбарлигида сўнгги йилларда очиклик сиёсати олиб борилмоқда ва Марказий Осиёда муҳим коммуникация сифатида фаолият юритмоқда. Мамлакат қўшнилари Тошкентни минтақавий хавфсизликни таъминлашдан тортиб иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга бўлган кенг кўламли масалаларни ҳал қила оладиган муҳим шерик ва кучли ҳамкор сифатида кўради.

Шу билан бирга, кўп қиррали транспорт-коммуникация, инвестиция ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш томонларга иқтисодиётда ўзаро манфаатли шериклик ўрнатиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ўсиб бораётган аҳолини иш билан таъминлаш имконини беради. Ташрифга шу позициялардан қарадиган бўлса, ҳеч шубҳасиз, минтақда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, шунингдек, икки биродар халқ муносабатларида янги саҳифа очишга хизमत қилади.

“Дунё” АА

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Худудлар ва 29 та намунавий туманни рақамлаштириш бўйича 2022 йил якунига қадар 1644 та лойиҳани амалга ошириш топширилган бўлса, шу кунга қадар улардан 1416 таси татбиқ этилди ва 228 таси бажарилмоқда.

# Электрон ҳукумат: фаровон жамият, қудратли давлат сари дадил қадам



**Азиз МУХММДИНОВ,** Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази директори

Бошланиш 1-бетда

Ўзбекистонда ҳам барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида тараққиётга пойдевор бўладиган ана шундай муҳим вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада даставвал “Электрон ҳукумат” тизимини тартибга солуви меъёрий-ҳуқуқий асослар шакллантирилди ва узлуксиз такомиллаштирилди. Қолаверса, кўпга соҳа ва тармоқларни рақамлаштириш бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистоннинг бир қатор рейтинглардаги кўрсаткичи тобора яхшиланмоқда.

Бу жабҳадаги ишларни янада такомиллаштириш, электрон ҳукуматини жорий этиш Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам устувор мақсад этиб белгиланган. Хусусан, **Тараққиёт стратегияси биринчи йўналишининг 9-мақсади аянан “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматлари улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этишга йўналтирилган.** Айни пайтда бу йўналишда барча соҳа ва тармоқларда изчил ишлар бошланган.

Президентимизнинг 2021 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуруламал бўлмоқда. Мазкур қарорда бизнинг марказимизнинг фаолият йўналишлари ҳам аниқ белгилаб берилди.

**РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Биринчидан,** электрон ҳукуматни ривожлантиришда ягона технологик ёндашуви таъминлаш. Яъни электрон ҳукумат ахборот тизимлари ўзаро ҳамкорликда ишлаши учун уларни ягона технологик ёндашув асосида жорий қилиш керак.

Бу борада марказимиз ҳар бир ахборот тизими ишлаб чиқишидан олдин техник ҳужжатларни экспертизадан ўтказиб, ўзаро интеграцияси, бир хил марказий маълумотлардан, ягона идентификация тизимларидан фойдаланиш, улар орқали электрон давлат хизматларини кўрсатишга эътибор қаратмоқда.

**Иккинчидан,** давлат органлари ва ташкилотларида рақамли ривожланишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш.

Марказимиз ҳар бир давлат органи ва ташкилотда рақамли ривожланиш даражасини рейтинг асосида баҳолаб боради ва яхши — “яшил”, ўрта — “сарик”, ёмон — “қизил” рўйхатларга ажратади. Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларини “яшил” рўйхатга ўтказиш мақсадида устувор йўналишлар акс этган тавсиялар ишлаб чиқилади.

**Солштириш учун:** 2021 йил бошида 21 та давлат органи ва ташкилоти “яшил” рўйхатга бўлган, бугунги кунга келиб улар сони 66 тага етди, яъни 3 баробар ошди. Лекин шу билан бирга, ҳали 29 та давлат органи ва ташкилоти “сарик” ва “қизил” рўйхатларда турибди.

**Учинчидан,** электрон ҳукумат соҳасидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш босқичларини мувофиқлаштириш.

Амалга оширилаётган электрон ҳукумат соҳасидаги лойиҳа ва дастурлар ҳар бир дав-

лат органи ва ташкилоти рақамли ривожланишнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб белгиланган. Уларни амалга ошириш босқичлари мунтазам назорат қилиб борилади ва мувофиқлаштирилади. Бу борада “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида 2 мингдан ортиқ лойиҳа доимий назоратимизда.

Шунингдек, Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази аҳолига электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириб, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида ҳам муҳим ишларни бажармоқда. Жумладан, my.gov.uz (Ягона интерактив давлат хизматлари портали) ҳамда “Лицензия” ахборот тизими орқали 330 га яқин турдаги хизматни онлайн шаклда кўрсатиш йўлга қўйилган (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш кўрсаткичи — 142 фоиз). Йил якунига қадар яна 60 та электрон давлат хизмати жорий қилинади ва барчасининг тўлов жараёни Ягона биллинг тизимига уланади.

Бугунги кунда мазкур порталда рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони 1 миллион 600 мингдан ошган. Уларнинг портал хизматларидан фойдаланиши йил бошидан буён жами 4 миллиондан ортган (ўтган йилга нисбатан 204 фоиз ўсган). **Натижада аҳолининг 18 миллиард сўмдан ортиқ маблағи иқтисод қилинишига эришилди. Энди 34 турдаги маълумотнома ва ҳужжатларни электрон ҳамкорлик орқали олиш йўлга қўйилгани ҳисобига аҳолининг ойига ўртача 1,3 миллиард сўм (бир йилда 16,8 миллиард сўм) маблағи тежалиши кутилмоқда.** Ягона порталнинг мобил иловасида эса, аҳоли ва юридик шахсларга 111 турдаги электрон давлат хизмати тақдим этилмоқда.

**Эътиборли жиҳати:** электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш мақсадида барча худудларда IT-парклар ташкил этиш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, айнан “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларини рақамлаштириш бўйича жами 444 та лойиҳа ижроси белгиланган. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳаларнинг 290 таси бажарилди, 154 та лойиҳа бўйича иш давом этапти.

Худудлар ва 29 та намунавий туманни рақамлаштириш бўйича 2022 йил якунига қадар 1644 та лойиҳани амалга ошириш топширилган бўлса, шу кунга қадар улардан 1416 таси татбиқ этилди ва 228 таси бажарилмоқда.

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КўРСАТИШДА ЯНГИЧА ТИЗИМ АФЗАЛЛИГИ**

Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишда адолат ва шаффофликка эришиш учун барча тармоқларни рақамлаштириш бошланди. Масалан, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини жорий этиш ортидан ижтимоий нафақа тайинлашда фуқаролардан 11 турдан ортиқ ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинди ва бу турдаги моддий ёрдам пули 1,5 миллиондан зиёд оилага автоматлаштирилган тарзда ажратилди.

“Рақамли божхона” лойиҳаси орқали эса, божхона расмийлаштирувида инсон омиллини кескин қисқартиришга эътибор қаратилди. Хусусан, 7 та худуддаги (Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё, Тошкент, Бухоро, Фарғона, Жиззах) товарлар расмийлаштируви масофадан ўтказилиб, бюджетга ундирилган тўловлар 52 фоизга ва декларациялар сони 17 фоизга ошди.

Божхона постларида ҳуқуқбузарлик хавфини аниқлаш тизими такомиллаштирилиши натижасида экспорт товарларини автоматик расмийлаштириш 14 баробарга ошди. Импорт товарлари кўригида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш самараси 2,1 баробар, ушлаб қолingan ноқонуний товарлар қиймати 55 фоиз кўпайди. Республика божхона постларига 7 мингдан ортиқ назорат-ўлчов мосламаси ўрнатилиши ҳисобига 2-3 кунгача давом этадиган божхона текширувлари вақтини эндиликда 10-15 дақиқача қисқартиришга эришилди.

Аҳоли ҳаёти фаровонлигини ўйлаб йўлга қўйилган лойиҳалардан бири — рақамлашган “Тез тиббий ёрдам” тизими бўлиб, у ҳам ўзини деярли оқлади. Шифокорларнинг қабурув жойига етиб келишигача бўлган вақт 2 баробар

қисқарди. Авваллари муржаат маҳсус гуруҳга 30 дақиқача етказилган бўлса, ҳозир 1 дақиқани ташкил этапти. Маълумотлар қайтадан ёзиб олинмай, тизимга киритилгани тўғрисида тўғридан-тўғри планшета йўналтирилади. Натижада ишчи гуруҳ планшет орқали ҳам муржаатчи ҳақидаги маълумотларни, ҳам харитадаги манзилни кўра олади.

Янада қулай томони тез ёрдам машиналари манзилга илдамроқ етиб бориши учун уларга ўрнатилган GPS технологияси ва датчиклар қайси кўчада тирбандлик бор-йўқлигини аниқлаб, энг маъқул йўлни белгилаб беради. Фаолият автоматлаштирилиши ҳисобига жараёнлар қисқарди, керак бўлмаган босқичлар олиб ташланди. Операторларга, бригада фельдшерлари ҳамда шифокорларга жуда катта қулайликлар яратилди. Энг муҳими, аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга эришилди. Яъни тезкор йўлга чиққан гуруҳ янги технологиялар шарофати билан “Энг қимматли биринчи соат”да беморларга сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатишга муваффақ бўляпти.

Замонавий технологиялар ва электронлаштириш тўғрисида бугун тез тиббий ёрдамга келтирилган дорилар ҳисоботи, уларнинг таъсирини, сарфлаши, ҳар бир бригада сумкасида нималар борлиги, тўлиқ таъминланганлиги даражаси — ҳамма-ҳаммасини назорат қилиш

**ХОРИЖДА ТУРИБ ҲАМ ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО ОЛИШ МУМКИН**

Бугун электрон ҳукуматнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган Ягона портал, яъни my.gov.uz орқали давлат хизматларини электрон кўринишда тақдим этиш тизими нафақат фуқароларимизнинг вақти ва маблағини тежашга, балки давлат органлари фаолиятини ҳам тубдан яхшилашга хизмат қилмоқда. Жумладан, 2021 йил 1 ноябрдан бошлаб аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга my.gov.uz хизматларини кўрсатишда давлат божлари учун 50 фоиз чегирма йўлга қўйилди. Бунда фуқаролардан аввалгидек турли қўшимча маълумотнома ва ҳужжатлар талаб этилмайди, порталнинг ўзида мазкур тоифага киритилган шахслар автоматик аниқланади.

Бундан ташқари, Ягона порталда 2021 йил 1 октябрда жорий қилинган “Автотранспорт ойналари тусини қорайтиришга рухсатнома олиш”, халқ тилида “тонировка” хизматидан ўтган давр мобайнида 220 мингдан ортиқ талабгор фойдаланган. Ушбу хизмат тўлиқ автоматлашган бўлиб, аҳолидан ҳеч қандай ҳужжат талаб этилмайди. Асосийси, тўлов амалга оши-

“ Электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш мақсадида барча худудларда IT-парклар ташкил этиш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, айнан “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларини рақамлаштириш бўйича жами 444 та лойиҳа ижроси белгиланган. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳаларнинг 288 таси бажарилди, 156 та лойиҳа бўйича иш давом этапти.



**“ ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИДАН БИРИ БўЛГАН ЯГОНА ПОРТАЛ, ЯъНИ MY.GOV.UZ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН КўРИНИШДА ТАҚДИМ ЭТИШ ТИЗИМИ НАФАҚАТ ФУҚАРОЛАРИМИЗНИНГ ВАҚТИ ВА МАБЛАҒИНИ ТЕЖАШГА, БАЛКИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲАМ ТУБДАН ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.**

имконияти яратилди. Бу ўз-ўзидан “103” ходимлари — ҳисобчилар, статистика бўлими, раҳбарият, дорихона, омборхона мутахассислари ҳамда операторларга ҳам жуда катта қулайликлар олиб келди. Ҳозирча Тошкент шаҳрида яхши натижа кўрсатаётган ушбу лойиҳани босқичма-босқич мамлакатимиз бўйлаб жорий этиш кўзда тутилган.

Республикамиздаги умумтаълим мактабларида жорий этилган “Электрон кундалик” тизими ҳар чоракда ўқитувчиларнинг 20 соатча вақтини тежяпти. **Қоғоз кўринишидаги кундалик ва журналларнинг бекор қилиниши ҳисобига йилига 4,5 миллиард сўмгача бюджет маблағлари иқтисод қилиниши кузланяпти.**

“E-XSUD” тизими орқали судлар фаолиятини рақамлаштириш тўғрисида соҳа ходимларининг иш вақти 7 баробаргача қисқаришига ҳамда қоғоз иқтисод қилиниши ортидан йилига давлат бюджетига 10,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ тежалишига эришилди.

Рақамли технологиялар ишлаб чиқариш суръатларини ошириш ҳам ўз самарасини бермоқда. Масалан, Навоий кон-металлургия комбинатида автоматлашган бошқарув тизими ишга туширилиши натижасида иш унумдорлиги ошиб, қувват сарфини камайтиришга муваффақ бўлинди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати фаолиятида технологик ҳамда хизмат транспорти воситалари GPS назорат тизими ўрнатилиши ҳисобига ёқилги-мойлаш материалларини тежаш, харажатларни иқтисод қилиш, иш унумдорлигини оширишга эришилди.

рилган заҳоти рухсатнома шаклланади. Олдинлари бу рухсатномани олиш учун одамлар Йўл ҳаракати ваҳфсизлиги туман бўлимига бориши, соатлаб навбатда туриши, турли ҳужжатларни тўлдирishi керак бўлган.

Ижро бўйича қардорлиқни текшириш ва тўлаш хизмати йўлга қўйилиши аҳоли учун яна бир қулайлик бўлди. Эндиликда фуқаро ижро ҳужжатлари бўйича ўзининг қардорлиги ҳақида электрон тарзда батафсил маълумот олиши ва тўловни тўлаши мумкин. Бу хизмат, айниқса, хорижга кўп қатнайдиغانлар учун қулай. Шунингдек, 7 турдаги нафақаларни тайинлаш (ёшга доир, боқувчисини йўқотганлик, ногиронлик нафақаси ва бошқалар) хизматида ҳам фуқародан ортиқча ҳужжатлар талаб этилмайди.

Республикамизнинг чекка худудларида яшовчи аҳолини ўйлаб, уларга яқин почта боғламаларида 30 дан ортиқ энг оммабоп хизматлар йўлга қўйилган. Хориждаги фуқароларимиз эса, дипломатик ваколатхоналар томонидан 7 турдаги электрон давлат хизматларини, хусусан, электрон рақамли имзо ҳам олиши мумкин.

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ФУҚАРОЛАР БИЛАН БИРГА**

Аҳоли дуч келаётган муаммоларни ўрганиш асносида Ягона порталда 2022 йили яна 60 дан ортиқ янги хизматни жорий этиш кўзда тутилган. Булар автомобиль тарихи маълумотини олиш, автотранспортга тақим мавжудлигини аниқлаш ва бошқалар. Режага, шунингдек, 50 дан ортиқ электрон хизматларни соддалаштириш, электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талабини бекор қилиш ҳам киритилган.

Истиқболли лойиҳалардан энг муҳими сифатида “Давлат хизматлари фуқаролар учун” тамойилидан “Давлат хизматлари фуқаролар билан бирга” тамойилига ўтиш орқали аҳолига муайян вазиятда керакли хизматдан фойдаланишни тақлиф қилишни назарда тутувчи проактив хизматлар кўрсатилишини айтиш мумкин. Булар ижтимоий нафақаларни тайинлаш, ID-карта, хорижга чиқиш паспорти ва қайдовчилик гувоҳномаси каби ҳужжатларни олиш, лицензияни алмаштириш каби нафақалардан иборат. Шунингдек, барча давлат хизматлари учун тўловларни онлайн тўлаш ва кўрсатилган хизматлар натижасида бериладиган ҳужжатларни фойдаланувчиларнинг Ягона порталдаги шахсий кабинетидан бепул тарзда олиш имкониятини яратиш устувор вазифаларимиздан биридир. Яна оммабоп электрон хизматларни мобил алоқа операторлари, тижорат банклари ҳамда тўлов тизимларининг мобил иловаларида ахборот ваҳфсизлиги талабларига рўйя этган ҳолда кўрсатиш йўлга қўйилди.

**МАҲАЛЛАДАН ТУРИБ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ**

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2022-2023 йилларда электрон ҳукуматни янада ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви органларида умумий миқдори 199 миллиард сўм қийматга эга жами 127 та, ҳўжалик бирлашмаларида умумий миқдори 3 миллиард 321 миллион сўм қийматга эга жами 119 та, худудларда эса 404 та лойиҳани амалга оширишни кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу қарор лойиҳасида маҳаллалар фаолиятини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, маҳалладан туриб барча давлат органларида муржаат қилиш ҳамда уларнинг раҳбарлари билан мулоқотда бўлиш тизими яратилади ва фаолиятта доир ҳисоботлар тўлиқ рақамлаштирилади. Давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллаларда кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилади.

Маҳалла орқали расмийлаштирилган ва олиннадиган барча турдаги ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамни тайинлаш бўйича ҳужжатларни онлайн (электрон) тарзда тақдим этиш тизими жорий этилади.

Умуман олганда, рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар аҳоли ҳаётини енгилаштириш, узоқини яқин қилиш, ортиқча харажатлардан, оворагарчиликлардан, бюрократиядан холи қилиш, коррупциянинг олдини олиш ва давлатга бўлган ишонччи мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, жамиятимизнинг турли соҳаларида, жумладан, темир йўл, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларини рақамлаштиришга оид ишлар кўлами кенгайди.

Бу чора-тадбирлар янги Ўзбекистонни эркин ва бахтли одамлар яшайдиган қудратли давлатга айлантириш, мамлакатимизни дунёнинг ривожланган, иқтисодиёти барқарор ўсаётган, инсон капитали юқори бўлган рақобатбардош демократик давлатлар қаторига олиб чиқишда муҳим қадам бўлади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

## ЭКОЛОГИЯ

# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ПЙДЕВОРИ

Стокгольм шахрида бундан элик йил муқаддам — 1972 йилда БМТ анжуманида ҳар йили 5 июни Жаҳон атропо-мухит куни сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Мазкур қарордан қўзланган мақсад халқаро ҳамжамият эътиборини атропо-мухитни муҳофаза қилиш муаммолари ҳамда глобал экологик инқирознинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишга қаратишдан иборат эди. Шундан буйён қатор мамлакатларда ушбу санага бағишлаб турли тадбирлар, экологик акциялар ўтказиб келинмоқда.



**Борий АЛИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси**

дан-тўғри амал қилиш механизмлари эга қонунларни қабул қилиш бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда.

Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгаришлар киритиш бўйича Конституциявий комиссия фаолият юритмоқда. Келаётган тақдирлар ичида айнан экологияга оид масалалар ҳам ўз аксини топаётгани аҳолининг экологик-ҳуқуқий, сиёсий фаоллиги ошганидан далолатдир.

## Амалий ишлар мақсади

Умуман, сўнгги йиллардаги экологик сиёсат натижасида атропо-мухит сифати яхшиланди. Атмосферага ифлослантирувчи моддалар ташлашни қарийб 1,7 баравар, озонни емирувчи моддалардан фойдаланиш 99,5 фоиз, ифлосланган оқова сув ҳајми 2 баравар камайди. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий усулларидан воз кечилиб, биологик усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Бетакроп, ноёб флора ва фауна турларини, шунингдек, уларнинг генофондини сақлаш учун миллий қўриқхоналар, боғлар, биуртмаҳоналар ва экологик марказлар ривожлантирилмоқда.

Бугун сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мамлакатимиз барқарор тараққиётида ҳал қилувчи масалалардан бирига айланди. Бу масала сув ресурслари танқислиги, сифати ёмонлашиши ҳамда минтақада шаклланган янги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва экологик жараёнларда янада муҳимроқ ва долзарб аҳамият касб этмоқда.

Маиший чиқиндиларни қайта ишлаш масаласи атропо-мухит муҳофазасини таъминлаш ва ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришда муҳим омилдир. Бу ҳудудлар санитария ҳолатини янада яхшилаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва бандлигини таъминлашда кўринади.

Шунингдек, атмосферани муҳофаза қилиш, унинг сифат кўрсаткичлари экологик нормативларга мослигини таъминлаш бугунги куннинг глобал муаммоларидан биридир. Негаки, ҳавонинг ифлосланиши инсон, ўсимлик, ҳайвонот — жамики тирик мавжудотларга зарарли таъсир кўрсатади. Шу боис, атропо-мухит, жумладан, атмосфера ҳавоси ифлосланиш даражасининг узлуксиз давлат мажмуавий мониторингини ташкил этиш муҳим. Яна экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий вазифалари умумий ишлаб чиқаришни экологик талабларга мослаштириш орқали экологик вазиятни барқарорлаштириш ва тубдан яхшилашдан иборатдир.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришга ресурсте-жамкор технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқаришнинг энергия самардорлигини ошириш ҳам долзарб масала. Қолаверса, экологик таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш, атропо-мухит муҳофазаси ҳамда аҳоли саломатлигини сақлаш ишлари жамоатчиликни кенг жалб қилиш талаб этилади. Шу мақсадда 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш соҳасида миллий мақсадларга эришишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилаётгани диққатга сазовордир.

Жумладан, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атропо-мухитни муҳофаза қилиш концепцияси тасдиқланди. Бу борада Орол денгизининг қуриган тубида ва Оролбўйи ҳудудидида жаҳонда андозаси йўқ иқтисодий-ижтимоий ва экологик ўзгаришларни таъкидлаш жоиз.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги чиқишида экологик муаммолар, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари, озик-овқат хавфсизлиги масалалари, жумладан, Орол денгизининг қуриши натижасида юзага келган глобал экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммога алоҳида тўхталиб, тузилманинг Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида махсус резолюциясини қабул қилиш ва ушбу ҳужжат тасдиқланган санани Экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш халқаро куни сифатида нишонлаш бўйича тақдирни илгари сурган эди.

Президентимизнинг Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббуси амалга ошириб, БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси навбатдаги ялпи мажлисида бу ҳақдаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатда белгиланган устувор вазифаларни ижросини таъминлаш, Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудида айланштириш мақсадида 2021 йил 29 июлда давлатимиз раҳбарининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги қарори имзоланди. Ушбу қарор асосида Оролбўйи минтақасига иқтисодиёт тармоқларида ресурстежовчи ва юқори самарага эга замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш, экологик барқарорлиқни таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга жорий қилиш, шунингдек, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга боғлиқ 2021-2024 йилларда амалга оширилиши белгиланган 7 та йўналишдаги 71 та чора-тадбирдан иборат “йўл харитаси” тасдиқланди.

Ундаги тадбирлар учун турли манбалардан 312 миллиард сўм, 22,2 миллион АҚШ доллари, 6 миллиард еврога тенг маблағ сарфланиши, ҳар бир йўналиш бўйича тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижроси тегишли вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари бошчилигида тузилган ишчи гуруҳлар томонидан таъминланиши белгиланди.

Шу билан бирга, қарор билан махсус резолюцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 2021-2024 йилларда бажарилиши режалаштирилган 65 та устувор инновацион лойиҳа тасдиқланди. Ушбу лойиҳалар учун турли манбалардан 1,9 триллион сўмга тенг маблағ сарф этилиши ва натижада 4 минг 500 та иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил февраль ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомидаги топшириғига асосан, Орол денгизининг қуриган тубида яшил қопламаларни янада кенгайтириш, шўрга ва сувсизликка чидамли озуқабон ўсимликларни етиштириш, чорвачилиқни ривожлантириш ва унинг озуқа базасини яхшилаш, инновацияларни кенг жорий этишни назарда тутуви 2022-2026 йилларга мўлжалланган миллий дастур лойиҳаси ишлаб чиқилган.



**“АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР АТРОП-МУХИТ ҲОЛАТИНИ ЮМШАТИШ, ТАБИЙИЙ РЕСУРСЛАР ДЕГРАДАЦИЯСИНING ОЛДИНИ ОЛИШИГА ШАРОИТ ЯРАТАДИ. ТАБИЙИЙ РЕСУРСЛАРНИ КЕЛТУСИ АВЛОДЛАР УЧУН ҚОЛДИРИШ ИМКОНИЯТИ ЮЗАГА КЕЛАДИ. ФАУНА ВА ФЛОРА ОЛАМИ КЕНГАЯДИ.**

Албатта, ҳудуддаги ишлар атропо-мухит ҳолатини юмшатиш, табиий ресурслар деградациясининг олдини олишга шароит яратади, денгизнинг қуриган тубидан кум ва чанг кўтарилишини камайтиради, маҳаллий фауна олами турлари кўпайиши ва эркин миграцияси учун кулай экотизим шаклланади, чўл ўрмонлари майдонлари ва биохилма-хиллик кенгайишига имконият яратади. Пировад натижада Оролбўйи ҳудудидида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам экологик барқарорлик таъминланади.

## Ташаббуслар макони

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида экологик барқарорлиқни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, экология ва атропо-мухитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш мақсадида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йил камида 200 миллион түп дарахт экиш, унинг ташаббусларига мос тарзда юртимизнинг 10 та ҳудудидида аэробилогик мониторинг тизимини йўлга қўйиш мақсад қилиб олинган.

Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дараклар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида асосан, мамлакатимизда жами 197 та “каштан кўчаси”, “эман кўчаси”, “чинор кўчаси” каби намунавий кўчага 163 мингдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчати экилган. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш учун вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан жами 64 миллиард 26 миллион сўм ажратилган.

Республика миқёсида ўрмон ҳўжаликлар томонидан жами 640 гектар майдонда ҳудудлар иқлимига мос ўсимликлар ва кўчталар етиштиришга ихтисослашган кўчатхоналар ташкил этилган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ёки чиқитиш

замонавий технологиялар, яъни “яшил технология”ни амалиётга жорий этиш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳанинг энергия самардорлигини ошириш, тежамкор технологиялар, яъни “яшил энергетика”ни қўллаш ҳисобига “яшил тараққиёт” йўли билан иқтисодий тараққиётга эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бутун дунёда углеводород хомашёси захираларининг табиий равишда камайиб бораётгани сабабли “яшил энергия” манбаларига ўтиш ва юзага келаётган иқлим муаммоларини ҳал этиш бўйича дунё ҳамжамияти томонидан кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоиздан кўпроғига етказишни мақсад қилган. Шунингдек, Ўзбекистон 2021 йил ноябрь ойида Глазго шахрида ўтказилган Иқлим бўйича халқаро саммитда жаҳон ҳамжамияти олдида 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотга нисбатан иссиқхона газлари улушини 35 фоиз камайтириш ташаббусини билдирди. Ушбу мақсадларга эришиш учун 2030 йилга қадар бўлган давр ичида қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш қувватини қарийб 16 мВтга етказиш режалаштирилмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар атропо-мухит ҳолатини юмшатиш, табиий ресурслар деградациясининг олдини олишга шароит яратади. Табиий ресурсларни келгуси авлодлар учун қолдириш имконияти юзага келади. Фауна ва флора олами кенгайди.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши, она табиатни асраш, экология ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишда фаоллик кўрсатиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз эканини унутмаслигимиз лозим. Зеро, сайёрамиз келажига ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик маданиятига боғлиқ. Шу боис, ҳар бир фуқарон табиатни асрашга фаол жалб қилиш, экологик маданиятни оширишда жамоатчилик ролини кучайтиришни даврининг ўзи талаб этмоқда.

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

**Шаҳзод ГАФФОРОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

# АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИДАН ОРТИҚЧА ШАКАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

## ёҳуд хавотирга ўрин йўқ

Сўнгги кунларда мамлакатимизда айрим озик-овқат маҳсулотлари сингари шакар нархи ҳам ошгани фонида мазкур маҳсулот танқислиги кузатилиши мумкинлиги борасида одамларда хавотир пайдо бўлди. Бозор ва дўкондан шакарни ортиқча харид қилиб, ҳамда кўйиш ҳолати кузатилаётгани ҳақида ижтимоий тармоқларда турли хабарларга кўзимиз тушмоқда.

Шу муносабат билан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ахборот хизмати ички бозорда шакар нархлари тўғрисида маълумот берди. Унда ташқи ва ички бозорларда шакар нархининг ўзгариш динамикаси ва унга таъсир қилувчи омиллар келтириб ўтилган.

Қўшни ва МДҲ мамлакатларида нархлар ошиши, ўз навбатида, Ўзбекистон ички бозоридида аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида ҳам шакар нархи бўйича инфляциян кутилмалар

кучайишига муайян маънода таъсир кўрсатувчи омиллардан бўлди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг минтақа ва бошқа давлатлар иқтисодиётлари билан ташқи савдо борасида ҳамкорлиги кенгайиб ва эркинлашиб бориши ҳолатида мамлакат ичидаги нархларни қўшни давлатлардагига нисбатан кескин фарқ қилувчи даражада сақлаб туришининг деярли имкони бўлмайди.

Хусусан, жорий йилда мамлакатимизда шакар ишлаб чиқариш ҳажми январь-май ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35 минг тонна ёки 16 фоиз кўпроқ (224 минг тоннадан 259 минг тоннагача ошган), яъни тақдир ошганига қарамай (биржа орқали сотилган ҳажми 177 минг тоннадан 186 минг тоннагача кўпайган), шакар нархи, асосан, ташқи омиллар таъсирида ўсиши кузатилди.

Бунга, биринчи навбатда, мазкур маҳсулот ва унинг хомашёсини Марказий Осиё минтақасига етказиб бериш

бўйича транспорт ва логистика билан боғлиқ муаммолар ҳамда ёқилғи ресурслари нархлари ўсиши таъсир кўрсатмоқда.

Вазият аслида қандай? Хавотир олишга қанчалик асос бор? Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган шакар

аҳоли эҳтиёжларини таъминлай оляптими? Аҳолини шакар маҳсулоти билан узлуксиз таъминлаш учун қандай чоралар кўрилмоқда?

Мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари “Ангрен шакар”



масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, қорхона фаолияти, ишлаб чиқариш қуввати билан яқиндан танишди.

Ўзбекистонда шакар ишлаб чиқарувчи иккита йирик завод — “Хоразм шакар” ва “Ангрен шакар” масъулияти чекланган жамиятлари фаолият юратади. 2014 йилда ташкил этилган “Ангрен шакар” йирик ишлаб чиқариш қувватига эга завод.

“Ангрен шакар” МЧЖ фаолияти билан танишар эканмиз, бу ерда шакар ишлаб чиқариш жараёни замонавий немис технологияси, компьютерлаштирилган дастур асосида олиб борилишига гувоҳ бўлдик. Қорхонада операторлар махсус технологиялар ва компьютерлар воситасида шакар ишлаб чиқариш жараёнини масофадан туриб бошқаради, жараёни назорат қилади. Заводда 650 киши ишлайди. Иш тўрт навбатда ташкил этилган. Қорхонада икки хил — экстра ва ТС-2 турдаги шакар ишлаб чиқарилади.

— “Ангрен шакар”нинг ишлаб чиқариш қуввати бир кеча-кундузда минг

тоннани ташкил этади, — дейди завод бош технологи Баҳром Қурбонов. — Ҳозирги пайтда аҳолининг шакарга бўлган талабин қондириш мақсадида қорхонамиз бир суткада 1100 тонна шакар ишлаб чиқараяпти. Ҳар ойда 30 минг тоннадан зиёд маҳсулот тайёрланапти. Бу йилига 360 минг тонна дегани. Демакки, аҳоли ортиқча хавотир олишига асос йўқ. Биз барча имкониятларимизни ишга солган ҳолда аҳолини шакар билан узлуксиз таъминлаяпмиз. Бунинг учун бизда етарли хомашё бор. Омборларимизда тайёр маҳсулот захираси кўп.

Мазкур қорхонада шакар таркибида сахароза софлигига ниҳоятда катта эътибор қаратилган. Давлат стандарт талаби бўйича шакар таркибида сахароза миқдори 99,7 фоиздан кам бўлмашлиги керак. Айни пайтда қорхона маҳсулотидида бу кўрсаткич 99,8 фоиздан баланд. Шакарқамиш, асосан, Бразилия, шунингдек, Мексика, Аргентинадан ҳам келтириляпти.

Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимиз аҳолисининг шакарга бир йиллик эҳтиёжи 650 минг тоннадир. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги жорий йилда шакар ишлаб чиқариш ҳажми 720 минг тонна ёки ўтган йилдагига нисбатан 22 фоиз кўпроқни ташкил этишини маълум қилди. Демакки, аҳолининг шакарга талаби узлуксиз қондирилиши учун имконият ва салоҳият етарли даражада. Шундай экан, ташвишлишига ҳожат йўқ.



# БУХОРО —

# ПЕШҚАДАМ ЁШЛАР ПОЙТАХТИ

ХАЛҚАРО ФОРУМ

Рисолат МАДИЕВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Шу кунларда туркий давлатлар нигоҳи юртимизга — кўхна ва навқирон Бухорога қаратилган. Бу ерда қардош халқлар ёшларини жамлаган Туркий давлатлар ташкилоти IV Ёш лидерлар форуми бўлиб ўтмоқда.

2018 йилдан бери ўтказиб келинаётган мазкур форум туризми ривожлантириш, давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва тажриба алмашишга хизмат қиляпти. Нуфузли тadbир туркий халқлар ўртасидаги умумий тил, тарих, кўп асрлик анъаналар, маданият ва маънавий алоқалар ривожига, дўстлик ва қардошлиқ алоқаларининг ёшлар қалбида илдиш отишига бекиёс ҳисса қўшиши билан аҳамиятлидир. Шу кунга қадар форум Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистонда ўтказилган.

Давлатимиз раҳбари Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашининг ўтган йили Истанбулда ташкил этилган саммитида 2022 йилни туркий дунёда “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиш таклифини илгари сурган ва бу ташаббусни иштирокчилар қўллаб-қувватлаган эди. Шу маънода айтиш мумкин, навбатдаги Ёш лидерлар форумининг Бухоро шаҳрида ташкил этилаётгани тасодиф эмас.

Мамлакатимиз дунё ҳамжамиятига тобора чуқур интеграциялашаётгани баробарида туркий дунёнинг ҳам ажралмас қисmidир. Шу боис, туркий давлатлар ёшларини қўллаб-қувватлаш, креатив гоя ва лойиҳаларини рағбатлантириш борасида янги ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Утган йили сентябрь ойида юртимизда илк бор Туркий давлатлар кенгаши доирасида Ёш тadbиркорлар форуми ўтказилди. Унда туркий мамлакатлардан 250 нафардан ортқ ёш иштирок этди. Ноябрь ойида эса Тошкентда “InnoWeek — 2021” инновацион гоялар ҳафталиги доирасида туркий дунёда инновациялар ва технологик тараққиётнинг аҳамиятига бағишланган махсус форум ташкил этиш орқали IT мутахассислар учун пплатформа тақдим этилди.

Бу форумнинг юртимизда, ҳусусан, Бухоро шаҳрида ўтказилаётгани бежиз эмас. Чунки бу кўхна ва ҳаммаша навқирон шаҳар жаҳонга илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшган олим-фузалоларни етиштириб берган. Бугун шу тadbиркорларнинг олдига туркий дунёда креатив лойиҳалар, инновацион гояларни илгари сурадиган янги авлод шаклланиши учун тамал тоши қўйилди. — дейди Ёшлар ишлари агентлиги директор Алишер Саъдуллаев. — Форум навқирон авлод вакилларидан давр ривожига уйғун замонавий билим ва кўникмаларни камол топтиради, дунё

спорт, медиа, илм-фан соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи мамлакатларнинг ёшлар сиёсати масъул давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари билан маслаҳат учрашувлари ҳамда эришилаётган икки ва кўп томонлама ҳамкорлик келишувлари истиқболдаги юксалишларга замин яратди.

Жаҳон цивилизациясида муносиб ўринга эга, тили, дини, маданият илдишлари бир, орзу-уйлари муштарак халқларнинг ёш иқтидорли етакчилари бугун бир жойда йиғилиб, лойиҳа ва ташаббусларини ўртолқашаётгани азалий қардошлиқ, тенглик ва дўстлик ришталарининг ёшлар қалбига кўча-



“ЁШЛАР МАРКАЗИДА БУХОРО ШАҲРИ “БИРИНЧИ ТУРКИЙ ДУНЁ ЁШЛАРИ ПОЙТАХТИ” МОНУМЕНТИ ВА ТУРКИЙ ДУНЁ ЁШЛАРИ БОҒИ ОЧИЛИШИ ТАДБИР МЕХМОНЛАРИДА УНУТИЛМАС ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ.

ётгани, эзгу ташаббусларга қанот бағишланаётганидан далолатдир. Қолаверса, бу тadbир юртимизда ёшлар сиёсати соҳасида қилинаётган ишлар ҳамда мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини халқро ҳамжамиятда кенг намойиш этиш имконини яратяпти.

— Бу тadbирнинг Ўзбекистон заминидан, кўхна Шарқ дурдонаси бўлган Бухорода ўтказилиши бизда алоҳида фахр-ифтихор уйғотмоқда. — дейди Бухоро вилояти ҳоқими Ботир Зарипов. — Форум доирасида намойиш этиладиган тақдимот ва ишланмалар туркий дунё ёшлари ўртасида таълим, илм-фан, тadbиркорлик, ахборот технологиялари ва бошқа йўналишларда алоқаларни ривожлантириш, буюқ тарихий маданиятнинг меросини оммалаштириш мақсадида ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қиляди. Бу мулоқот келгусида минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизмига айланishi шубҳасиз.

Тadbир иштирокчилари форумнинг туркий халқлар ўртасидаги биродарлик, дўстлик, ҳамжамиятлик алоқаларини янада ривожлантиришда муҳим кўп-рик вазифасини ўташини алоҳида таъкидлади. Энг пешқадам ёшларни бирлаштирган анжуманда илгор ташаббуслар, мегалойиҳалар илгари сурилмоқда. Бухоро шаҳри “Биринчи туркий дунё ёшлари пойтахти” деб эълон қилиниши муносабати билан қўшма қарор ҳамда 2022 йил давомидан Бухоро шаҳрида амалга ошириш режалаштирилган ҳаракатлар режаси имзолангани ана шу ташаббусларга қанот бағишлади.

Шунингдек, Ёшлар марказида Бухоро шаҳри “Биринчи туркий дунё ёшлари пойтахти” монументи ва Туркий дунё ёшлари боғи очилиши тadbир меҳмонларида унутилмас таассурот қолдирди.

Форум иши шўъбаларда давом этирилмоқда. Олдинда меҳмонларни қизиқарили мунозаралар, тақлифлар, учрашувлар ва концерт дастури, кўхна шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат кутмоқда.



## АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

# ЯНГИ АВЛОД ОЛИМАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ВАЗИФА

Х.АБУЛҲАЙЗОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 7 мартдаги фармони юртимизда хотин-қизларнинг илмий ва инновацион фаолият билан шугулланишини қўллаб-қувватлаш борасида ўзига хос ташаббусларга кенг йўл очди.

Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент давлат техника университети ҳамкорлигида ўтказилган “Фан-техника тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни” мавзусидаги форумда шу ҳақида сўз юритилди.

Бугун мамлакатимиз аҳолисининг ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Шу боис, жамиятда уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенглик масалалари бўйича кенг қамровли ишларни бажариш, олий маълумотли хотин-қизлар сафини кенгайтириш, янги авлод олимларини тайёрлаш кечиктириб бўлмайдиган ишлар сирасига киради. Зотан, буюқларни тарбиялаган оналарнинг ақсарияти илмий, дунёқарши кенг, ўз даври билимларини пухта эгаллаган аёллар бўлган. Вақти келиб шу оналар улғайтирган инсонлар туйғули дунё янги Ренессансга юз очди. Айни пайтда юртимизда аёл-қизларнинг барча соҳалар билан бирга илм-фанда ҳам илгорлар сафидан жой эгаллашга қаратилган саъй-ҳаракатлар халқимиз орзу қилаётган янги Ренессанс пойдеворини бунёд этиш сари қийилган навбатдаги қадамдир.

— Маълумотларга кўра, жорий йил ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида ишлаётган ходимларнинг 38 фоизи аёллардир. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида меҳнат қилаётганлар орасида эса хотин-қизларнинг улуши 41 фоизни ташкил этади. Жамиятда олимпиадаларнинг



салмоғи янада ошиши керак. Чунки юртимизда илмга қизиқиши юқори хотин-қизлар жуда кўп. Уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун бугун ҳамма имконият мавжуд. — дейди Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси бўлим бошлиғи, техника фанлари доктори, профессор Карима Норкулова. — Бугунги форумни ўтказишдан мақсад хотин-қизларнинг илмий тадқиқотлари натижаларини муҳокама этиш, янги техника, технология ва рақобатбардор маҳсулотларни яратиш ҳамда ҳаётга татбиқ этилишини қўллаб-қувватлаш, илмий, ижодий, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдир. Биз уларнинг оила ва жамиятда ҳамда илмий-ижодий фаолиятда эришаётган ютуқларини намуна қилиб кўрсатиш орқали қизларни илмий бўлишга ундаймиз, замонавий касбларни эгаллашга тарғиб қиламиз.

Форумда фан-техниканинг турли йўналишида исланаётган икки юзга яқин олим, докторант, магистрант ва талаба хотин-қизларнинг илмий-амалий, инновацион лойиҳалари натижалари муҳокама этилди. Иштирокчилар ва рационализаторлик фаолияти билан шугулланиб, қобилиятини намоён этаётган аёл-қизларнинг лойиҳалари тарғиб қилинди.

— Анжуманда мотор мойини оксидловчи маҳсулотлардан тозалаш

қурилмаси тақдимоти ўтказдим. Илмий изланишим турли техника воситаларида қўлланган мойни селектив усулда тозалашга асосланган, — дейди “Тошкент ирригация ва кишлқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий-тадқиқот университети доценти Нарғиза Холиқова. — Биз ишлаб чиққан қурилма орқали тозаланган мойни кишлқ хўжалиги техникасида ишлатиш мумкин. Янгиликни Тошкент вилоятидаги фермер хўжалиқларида синовдан ўтказдик. Изланишимиз 85 фоизга натижа берди. Бу билан чекланмаман, албатта. Илмий янгиликни такомиллаштириш учун изланиши давом эттираман.

Анжуманда илм-фан билан шугулланаётган хотин-қизлар ва вазирликларнинг тегишли мутасадди ходимлари ўртасида самарали илмий-ижодий алоқаларни йўлга қўйишга келишиб олинди. Шунингдек, уларнинг илмий лойиҳаларини жорий қилишда қўллаб-қувватлаш бўйича масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан янги механизмлар қўлланиб, олимпиа ва иштирокчи аёлларнинг муаммолари ҳал қилиниши кўзда тутилди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси БШ вазирлиги ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси раиси Зулайҳо Маҳкаммова маъруза қилди.

## НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ ИНТЕГРАЦИЯСИ

# ТАЛАБА КАСБ ҲАМ ЎРГАНЯПТИ

Гулноза ЖАҲОНГИРОВА,  
Тошкент кимё-технология институти профессори,  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Юртимизда ўқув ишларини такомиллаштириш, ёшларни билимли, малакали, жаҳон талабаларига мос мутахассислар этиб тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, олий таълим муассасалари кафедралари ҳузурида илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилиб, зарур техника, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланяпти. Чунки ҳар бир кафедранинг тармоқ корхоналари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ўқитувчиларнинг тегишли завод ва фабрикаларда амалий тадқиқотлар ўтказишига шароит яратишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Тан олиш керак, ҳали-ҳамон таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни таъминлаш зарурати мавжуд. Илмий-тадқиқот институти олий таълимда кадрлар тайёрлаш жараёнига етарли даражада жалб этилмаган. Илмий изланишлар ҳам иқтисодиётнинг реал эҳтиёжидан келиб чиқмасдан амалга оширилмоқда. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг тизимли тайёрланмаслиги олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти пайсайишига олиб келмоқда.

Мана шу масалаларни тизимли ўрганган ҳолда ечимини топишга ҳаракат қилиняпти. Жумладан, маҳаллий ишланмаларни тижорийлаштиришнинг самарали механизмининг амалда қўллаш, илмий ва илмий-техник фаолиятни молиялаштириш манбаларини қўлайитириш, интеллектуал мулк объектлари муаллифлари, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори вакиллари билан самарали ҳамкорлик қилаётган профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш борасида Тошкент кимё-технология институтида муайян ишлар бажарилмоқда.

Биргина мисол: институтининг озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси факультети инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни

ривожлантириш мақсадида кичик ҳажмли ишлаб чиқариш цехлари, технопарклар ташкил этиляпти.

Хусусан, Тошкент шаҳридаги “Муътабар она” масъулияти чекланган жамияти Туркия фирмасининг 1 миллиард сўмлик ун ишлаб чиқариш тармоғи жиҳозлари учун ажратган бегараз ҳомийлиги асосида ўқув-ишлаб чиқариш кургзма технопаркни ташкил этди. Ҳозир мазкур технопаркда талабалар назарий билимларини амалиётда қўллашга ўрганилди.

Олий таълим соҳасидаги дастлабки илохотлар, аввало, қамровни ошириш, институт ва университетларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, профессор-ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Институтимизнинг биргина озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан ҳозир иккита илмий лойиҳа устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лойиҳа иштирокчиларига нафақат кафедра профессор-ўқитувчилари, балки бакалаврият ва магистратура талабалари, докторантлар жалб этилган.

Талабаларнинг бўш вақтини самарали банд қилиш ва малакавий кўникмасини ошириш учун озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедрасида

ривожлантириш мақсадида кичик ҳажмли ишлаб чиқариш цехлари, технопарклар ташкил этиляпти. Хусусан, Тошкент шаҳридаги “Муътабар она” масъулияти чекланган жамияти Туркия фирмасининг 1 миллиард сўмлик ун ишлаб чиқариш тармоғи жиҳозлари учун ажратган бегараз ҳомийлиги асосида ўқув-ишлаб чиқариш кургзма технопаркни ташкил этди. Ҳозир мазкур технопаркда талабалар назарий билимларини амалиётда қўллашга ўрганилди.

Олий таълим соҳасидаги дастлабки илохотлар, аввало, қамровни ошириш, институт ва университетларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, профессор-ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Институтимизнинг биргина озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан ҳозир иккита илмий лойиҳа устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лойиҳа иштирокчиларига нафақат кафедра профессор-ўқитувчилари, балки бакалаврият ва магистратура талабалари, докторантлар жалб этилган. Талабаларнинг бўш вақтини самарали банд қилиш ва малакавий кўникмасини ошириш учун озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедрасида

